



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 1 » iyun

№ 293

Toshkent sh.

Андижон вилоятида замонавий агросаноат кластерини ташkil этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Андижон вилоятида мева-сабзавотчилик тармоғини янада ривожлантиришга тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб қилиш, вилоятнинг табиий-иқлим шароитига мос, серхосил ва экспортбоп мева-сабзавот экинлари навларини жойлаштириш, маҳсулотни етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнини тўлиқ қамраб олувчи тизимни кенг жорий этиш ва янги иш ўринларини яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан Бирлашган Араб Амирликларининг “E20 Investment Limited” компанияси (кейинги ўринларда – “E20” компанияси) ўртасида 2019 йил 24 мартда ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланганлиги;

Андижон вилояти ҳокимлиги билан “E20” компанияси ўртасида 28,5 млн доллар миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига Андижон вилоятининг Пахтаобод туманида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган 470 гектар ер майдонида гилос ва резавор меваларни етиштириш, сақлаш ва чуқур қайта ишлашга мўлжалланган замонавий агросаноат кластерини ташкил этиш бўйича 2021 йил 29 ноябрда меморандум имзоланганлиги;

“2U” МЧЖ хорижий корхонасининг таъсисчиси бўлган “E20” компанияси томонидан корхонанинг дастлабки устав фонди (капитали) шакллантирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Андижон вилояти ҳокимлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг:

Пахтаобод туманида “2U” МЧЖ хорижий корхонаси томонидан гилос ва резавор меваларни етиштириш, сақлаш ва чуқур қайта ишлашни ташкил этиш бўйича мева-сабзавотчилик кластерини (кейинги ўринларда – агросаноат кластери) ташкил этиш бўйича инвестиция лойиҳасини амалга ошириш;

“2U” МЧЖ хорижий корхонасига лойиҳани амалга ошириш учун Пахтаобод тумани ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган 470 гектар ер майдонини 25 йил муддатга ижарага олиш ҳуқуқининг бозор қийматида 1,5 млрд сўм ҳақ тўлаш шарти билан ажратиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Андижон вилояти Пахтаобод тумани ҳокимлиги захирасидаги мазкур қарорга 1-иловада белгиланган 470 гектар ер участкалари “2U” МЧЖ хорижий корхонасига 25 йил муддатга ижарага берилсин.

Андижон вилояти ҳокимлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда “2U” МЧЖ хорижий корхонаси томонидан 1,5 млрд сўм маблағ Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига тўлиқ ўтказилганидан сўнг Пахтаобод тумани ҳокимлиги ва “2U” МЧЖ хорижий корхонаси ўртасида ер ижара шартномаси тузилишини, шунингдек, ер участкасига ижара ҳуқуқи белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

3. Агросаноат кластерларининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

мева-сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришнинг замонавий усуллари, илм-фан ютуқларини ҳамда илғор инновация ва сув тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш;

тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда мева-сабзавот маҳсулотларини чуқур қайта ишлашнинг самарали усуллари ва технологияларидан фойдаланиш;

касалликлардан холи бўлган мевали дарахт кўчатларини етиштириш учун замонавий “in-vitro” лабораторияси ҳамда кўчатхоналарни ташкил этиш;

кўшилган қийматга эга рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш орқали экспорт ҳажмларини кўпайтириш;

тупроқ унумдорлигини ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириб бориш, ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш.

4. Андижон вилояти Пахтаобод туманида “2U” МЧЖ хорижий корхонаси томонидан гилос ва резавор меваларни етиштириш, сақлаш, чуқур қайта ишлаш ҳамда сотиш жараёнини тўлиқ қамраб олувчи замонавий агросаноат корхонасини ташкил этиш лойиҳасининг 2022-2025 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ маъқуллансин.

5. Белгилансинки, “2U” МЧЖ хорижий корхонаси томонидан мазкур қарорда белгиланган инвестиция мажбуриятлари бажарилмаган ва ер ижара шартномасида назарда тутилган талабларга риоя қилинмаган тақдирда, шунингдек, Ер кодексининг 36-37-моддаларида назарда тутилган ҳолларда, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи бекор қилинади.

6. Андижон вилояти ҳокимлиги Сув хўжалиги вазирлиги билан биргаликда хўжаликлараро суғориш ва мелиоратив тармоқларининг техник ҳолатидан келиб чиқиб, белгиланган тартибда таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга оширсин ҳамда Андижон вилоятига белгиланган лимит доирасида экин майдонларини сув билан таъминласин.

7. Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги ҳузуридаги “Геоинновация маркази” давлат унитар корхонаси “2U” МЧЖ хорижий корхонасининг буюртманомаларига биноан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жараёнини самарали бошқариш, назорат қилиш ва мониторинг олиб боришда белгиланган тартибда учувчисиз учиш аппаратларидан фойдаланишга кўмаклашсин.

8. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Андижон вилояти ҳокимлигининг буюртманомаларига биноан жалб этилаётган хорижий мутахассисларга (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари орасида бундай мутахассислар бўлмаган тақдирда) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқномалар берилишини (муддати узайтирилишини) белгиланган тартибда таъминласин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзаков ва Андижон вилояти ҳокими Ш.К. Абдурахманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 1 июндаги 293 -сон қарорига
1-илова

**Андижон вилояти Пахтабод тумани ҳокимлиги захирасидаги “2U” МЧЖ хорижий корхонасига
ижарага берилаётган ер участкаларининг контурлар кесимидаги
РЎЙХАТИ**

Т/р	Контур рақами	Умумий ер майдони (гектар)	Шу жумладан:										
			Экин ерлар		Кўп йиллик дарахтзорлар			Жами кишлоқ хўжалиги ер турлари	Сув фонди ерлари	Йўл ости ерлар	Қурилиш- лар	Бошқа ерлар	
			жами	шундан, суғориладиган	Жами	шундан							
						боғ	узум	тутзор					
1	290a	4,80	4,70	4,70	0,10			0,10	4,80				
2	292a	6,30	6,10	6,10	0,10			0,10	6,20	0,10			
3	291ак	7,60	7,40	7,40					7,40	0,20			
4	293ак	3,20	3,00	3,00					3,00	0,20			
5	92к	14,62	13,85	13,85					13,85	0,63	0,14		
6	90	13,08	12,14	12,14					12,14	0,94			
7	91	6,72	4,75	4,75					4,75	0,56			1,41
8	100к	9,77	9,36	9,36					9,36	0,41			
9	86	0,12											0,12
10	98к	1,22	1,22	1,22					1,22				
11	298a	6,73	6,33	6,33					6,33	0,15	0,10		0,15
12	295ак	38,40	37,20	37,20					37,20	0,80	0,30		0,10
13	95к	5,50	5,40	5,40					5,40	0,10			
14	93	0,44								0,06	0,07	0,31	
15	97к	12,74	11,94	11,94					11,94	0,50	0,20		0,10
16	92к	5,50	5,41	5,41					5,41	0,09			
17	98к	5,00	4,59	4,59					4,59	0,31	0,10		

Т/р	Контур рақами	Умумий ер майдони (гектар)	Шу жумладан:										
			Экин ерлар		Кўп йиллик дарахтзорлар			Жами кишлоқ хўжалиги ер турлари	Сув фонди ерлари	Йўл ости ерлар	Қурилиш- лар	Бошқа ерлар	
			жами	шундан, суғориладиган	Жами	шундан							
						боғ	узум	тутзор					
18	94	7,46	7,00	7,00					7,00	0,23	0,23		
19	95к	22,53	21,40	21,40	0,10			0,10	21,50	0,60	0,43		
20	96	21,57	19,70	19,70	0,20			0,20	19,90	0,99	0,44		0,24
21	95	6,40	6,00	6,00					6,00	0,20	0,20		
22	298ак	6,62	6,40	6,40					6,40	0,22			
23	298ак	9,45	8,97	8,97					8,97	0,33	0,10		0,05
24	298ак	3,50	3,30	3,30					3,30	0,20			
	89	1,86	1,54	1,54					1,54	0,17	0,05	0,10	
25	294ак	3,80	3,30	3,30					3,30	0,20	0,10	0,10	0,10
26	293а	3,20	3,20	3,20					3,20				
27	291ак	5,50	5,40	5,40					5,40	0,10			
28	291ак	2,10	2,00	2,00					2,00	0,10			
29	297ак	5,20			5,00	5,00			5,00	0,20			
30	88	10,26	9,87	9,87					9,87	0,28	0,11		
31	95	5,60	5,30	5,30					5,30	0,20	0,10		
32	19	3,00	2,90	2,90					2,90	0,10			
33	296а	2,40	2,30	2,30					2,30	0,10			
34	297ак	5,30	1,41	1,41	3,69		3,69		5,10	0,10	0,10		
35	297ак	5,30			5,00		5,00		5,00	0,20			0,10
36	290а	2,00	1,90	1,90					1,90	0,10			
37	415	9,70	9,40	9,40					9,40	0,30			
38	417к	30,00	29,40	29,40					29,40	0,30	0,20	0,10	
39	412	4,20	3,70	3,70					3,70	0,50			
40	413	20,50	20,10	20,10					20,10	0,30	0,10		
41	414к	3,90	3,80	3,80					3,80	0,10			

Т/р	Контур рақами	Умумий ер майдони (гектар)	Шу жумладан:										
			Экин ерлар		Кўп йиллик дарахтзорлар			Жами қишлоқ хўжалиги ер турлари	Сув фонди ерлари	Йўл ости ерлар	Қурилишлар	Бошқа ерлар	
			жами	шундан, суғориладиган	Жами	шундан							
						боғ	узум	тутзор					
42	411к	6,20	6,00	6,00					6,00	0,20			
43	411к	23,90	23,50	23,50	0,20			0,20	23,70	0,20			
44	408	2,70	2,60	2,60					2,60	0,10			
45	409	19,00	18,00	18,00	0,30			0,30	18,30	0,50	0,20		
46	407к	21,50	20,50	20,50					20,50	0,90	0,10		
47	406	1,40	1,30	1,30					1,30	0,10			
48	396к	0,80									0,80		
49	414к	8,20	8,00	8,00					8,00	0,20			
50	416	16,40	15,90	15,90					15,90	0,50			
51	410	9,70	9,40	9,40	0,10			0,10	9,50	0,20			
52	411к	8,90	5,60	5,60	3,00	3,00			8,60	0,30			
53	413	5,30	4,70	4,70					4,70	0,50	0,10		
54	413к	3,10	3,00	3,00					3,00	0,10			
Жами		470,19	430,18	430,18	17,79	8,00	8,69	1,10	447,97	14,97	4,27	0,61	2,37

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил I июндаги 293-сон қарорига
2-илова

**Андижон вилояти Пахтаобод туманида “2U” МЧЖ хорижий корхонаси
томонидан гилос ва резавор меваларни етиштириш, сақлаш, чуқур қайта
ишлаш ҳамда сотиш жараёнини тўлиқ қамраб олувчи замонавий агросаноат
корхонасини ташкил этиш лойиҳасининг 2022-2025 йилларга мўлжалланган
ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш муддатлари	Қиймати (АҚШ доллари)
1.	Тупрокни тайёрлаш, ёмғир ва дўлга қарши ҳимоя тизимини ўрнатиш	2022 – 2023 йиллар	12 000 000
2.	Замонавий томчилатиб суғориш тизимини жорий қилиш <i>шу жумладан:</i>	2022 – 2025 йиллар	3 500 000
2.1	<i>сув сақлаш омбори (100,000 куб. метр) ва сув олиш насос станцияларини қуриш</i>	2022 – 2023 йиллар	800 000
2.2	<i>гилос ва узум плантациясида томчилатиб суғориш тизимини жорий қилиш (155 гектар)</i>	2022 – 2023 йиллар	775 000
2.3	<i>резавор экинлар (малина, қулупнай, голубика ва черника) майдонида томчилатиб суғориш tizimini жорий қилиш (45 гектар)</i>	2022 – 2023 йиллар	450 000
2.4	<i>сувнинг кислоталиги, тескари осмоз ва бошқа ферментация тизимларини ўрнатиш ферментация кимёвий моддалари ва тескари осмоз тизимининг сарф материалларини харид қилиш</i>	2022 – 2025 йиллар	1 475 000
3.	Агрологистика, омбор ва хизмат иншоотларини қуриш	2022 – 2023 йиллар	3 000 000
4.	Махсус, қишлоқ хўжалиги ва хизмат транспорт воситаларини харид қилиш	2022 – 2023 йиллар	675 000
5.	Гилос ва резавор кўчатлари	2022 – 2023 йиллар	3 300 000
6.	Замонавий ўстириш тизимларини йўлга қўйиш	2023 йил	1 300 000
7.	Кўшимча капитал ва операция харажатлар	2022 – 2025 йиллар	4 700 000

